SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 11-FEVRAL ■ SESHANBA ■ 17 (27.037) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига!

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сизни ва барча юртдошларимизни улуғ айём — муборак Қурбон ҳайити билан диёримиздан келган ҳожилар номидан чин дилдан муборакбод этамиз.

Ўзбекистондан муборак сафарга келган биз, ҳожилар Маккаи мукаррамадаги муқаддас зиёратгоҳлар Каъбаи муаззама, Арафот тоғи, Мино водийси ва Муздалифада бўлиб, ҳаж ибодатларини чин ихлос, имон-эътиқод билан адо этар эканмиз, жонажон Ватанимизнинг келажаги порлоқ, халқимиз тинч-омон, ҳаёти фаровон, Сизнинг оқилона раҳбарлигингизда олиб борилаётган барча хайрли ишлар барокатли бўлишини Аллоҳ таолодан илтижо ила сўраб дуода бўлмоқдамиз.

Мустақиллик йилларида буюк алломаларимизнинг хотиралари тикланиши, Ватанимиздан ҳаж сафарига бораётган мусулмонларга яратиб берилаётган шароитлар Сизнинг миллий қадриятларимизга ва динимизга кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигингиз намунаси деб биламиз.

Сиз, муҳтарам Президент жанобларига яна бир бор чексиз миннатдорлик ва самимий ташаккуримизни изҳор этамиз. Аллоҳ Сизни ва Ўзбекистон халқини доимо ўз паноҳида асрасин!

ЎЗБЕКИСТОН ҲОЖИЛАРИ

Макка шаҳри, Арафот водийси. 2003 йил 10 февраль

Буюк шоирга эҳтиром



Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишдек хайрли ишлар мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг доимий эътиборида. Истиқлол йилларида мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларининг дебочаси ҳам айнан мана шу жой — Алишер Навоий номи билан аталувчи миллий боғнинг барпо этилишидан бошланганида ҳам катта рамзий маъно бор.

9 февраль куни Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Эрталаб бу ерга анвойи гуллар кўтарган талаба-ёшлар, шаҳар жамоатчилиги вакиллари, адиблар ва пойтахтимиз меҳмонлари ташриф буюрди.

Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллигига бағишланган тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Унда сўзга чиққан Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони А.Орипов, адабиётшунос олим А.Ҳайитметов, халқ шоири Х.Даврон, ёш шоира Х.Рустамова Алишер Навоий шеърияти юртимиздаги эзгу ишларда доимо ҳамнафас бўлиб қолаверишини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан ташкил этилаётган мушоира, адабий-бадиий кеча ва учрашувлар юртимиз шаҳар-қишлоқлари, маҳаллалар, таълим масканларида давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

Москвада ҳам нишонланди

Буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллиги нафақат юртимизда, балки қатор хорижий мамлакатларда ҳам кенг нишонланмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Москвадаги элчихонаси, мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги ваколатхоналари ходимлари ҳамда ўзбек талабалари томонидан буюк бобокалонимизнинг Серпухово майдонидаги ҳайкали пойига гуллар қўйилди ва хотираси ёдга олинди.

Тошкент шаҳрининг Россия пойтахтига туҳфаси бўлмиш ушбу ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган эди. Мазкур пурвиқор ҳайкал Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Равшан Миртожиев, Россияда хизмат кўрсатган архитекторлар Александр Кузмин ҳамда Игор Воскресенскийлар ҳамкорлигида яратилган.

«Жаҳон» АА

Сайёр қабул кунлари

Давр кўплаб масалалар ўз ўрнида ҳал этилишини тақозо этади. Таҳририятимизга мактуб йўллаган бир гуруҳ китоблик фуқаролар беш ойдан буён вилоят ҳокимининг қабулини кутишаётганини айтишган эди. Агар Китоб ва Шаҳрисабз туманларидан вилоят маркази — Қарши шаҳригача бўлган масофа 100-125 километрдан кам эмаслигини ҳисобга олсак, қийинчиликлар аён бўлади.

Яқинда Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш, ариза ва шикоятларни тезкор ва адолатли ҳал этишга қаратилган фармойиш қабул қилди. Унда 2001 йилдагига қараганда, 2002 йилда мурожаатлар камайган бўлса-да, жойларда ариза-шикоятларга етарли эътибор берилмаётганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокимининг фармойиши билан туман ва шаҳар ҳокимликларида ўтказилаётган сайёр қабул кунлари қатъий белгилаб қўйилмоқда. Вилоят ҳокими ва ҳоким ўринбосарларининг жойлардаги сайёр қабул кунлари жадвали «Қашқадарё» газетасида чоп этилди. Бу тадбир оворагарчиликларни камайтириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида яхши самара бериши шубҳасиз.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига қизғин табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, биродар мамлакатингиз халқига эса давомий тараққиёт тилайман.

Зоид бин Султон Ол НАҲАЁН, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз, Жаноби Олийларини ва дўст Ўзбекистон халқини кириб келаётган Қурбон ҳайити муносабати билан халқимиз, Афғонистон ўтиш ҳукумати ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этишдан ғоят мамнунман.

Дўстона ва азалий тарихий алоқаларимиз мавжудлиги ҳамда ривожланиши икки қўшни мамлакат халқларининг яхши ва самимий муносабатларидан дарак беради.

Ишончим комилки, бу муносабатларни янада ривожлантириш икки мамлакат халқлари манфаати ҳамда минтақада ва жаҳонда мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши учун хизмат қилади.

Табрикларимни яна бир бор такрорлаган ҳолда, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқига эса бахт-саодат ва равнақ тилаб қоламан.

Ҳамид КАРЗАЙ, Афғонистон ўтиш ҳукумати раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ислом уммати муборак Ийд ал-Адҳони тантанали байрам қилаётган дамларда, Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрикларимни йўллайман.

Аллоҳ субҳонаҳу таолодан Сизга бахт-саодат, Ўзбекистон халқига баракот ва фаровонлик, Ислом умматига эса тараққиёт, шон-шуҳрат ва юксалиш ато этишини сўрайман.

Али Абдуллоҳ СОЛИҲ, Яман Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сизга самимий табрик ва энг эзгу истакларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Ийд ал-Адҳонинг саодатли айёми мусулмон умматини инсоният манфаатлари ҳамда ислом динининг равнақи ва шуҳрати йўлида янада жипслаштиришига ишонаман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омонлик, биродар Ўзбекистон Республикаси халқига эса тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилайман.

Иажуддин АҲМАД, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти

ҚАРЗ

Дилингга жойлаб ол ушбу каломни:
Вақтида узиб қўй қарзу саломни,
Токи, ажринг сўраб боланг бир умр
Етаклаб юрмасин домла Имомни.

Абдулла ОРИПОВ
2003 йил, 23 январь.

Комиссия йиғилиши

Бекободда Қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга топшириш назорат қилиш ва мувофиқлаштириш республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарган йиғилишда тегишли вазирлик, идора ва уюшмалар, шунингдек, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи хомашёни йиғиш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг январь ойида қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ва қайта ишлашга топшириш бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди. 2002 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш ҳажми беш фоизни ташкил этди.

Йиғилишда, шунингдек, жойлардаги айрим ташкилот ва корхоналар бу борада сусткашликка йўл қўяётгани кўрсатиб ўтилди. Металл парчаларининг барча турдаги саноат корхоналари учун муҳим хомашё манбаи экани уқтирилиб, бундай қолоқликка йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқлар берилди.

(ЎзА)

Соғлом миллат, соғлом жамият кафолати

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

Ўтган ҳафтанинг жума куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлисида Юртбошимиз бундай деди:

— Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани эзгу мақсадларни амалга оширишга қаратилган катта ҳаракатнинг бошланиши... Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан соғлом, кучли, бақувват, мард ва жасур қилиб тарбиялашда, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда спортнинг аҳамияти бениҳоя катта. ***Спорт ёш авлод маънавий камолотининг ҳам гаровидир...»***

Шунинг учун ҳамки, давлатимиз ва ҳукуматимиз мустақиллик йилларининг илк кезлариданоқ, умуман спортга ва изма-из баркамол авлод тарбиясига, уларнинг истеъдоди ҳамда иқтидори ривожига катта эътибор қаратди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларидан иборат уч босқичли узлуксиз жисмоний тарбия тизими йўлга қўйилди. Ўтган йили эса Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

Мажлисда ана шу саъй-ҳаракатлар қайд этилиши билан бирга жамғарма тузилгандан буён бугунгача қилинган ишлар чуқур таҳлил этилди ва олдинда турган вазифалар белгилаб олинди. Вилоятларда ташкил этилган жамғарманинг минтақавий филиаллари ва уларнинг ҳомийлик кенгашлари фаолиятлари эндиликда намунавий лойиҳалар асосида болалар учун мўлжалланган спорт иншоотларини бунёд этишга қаратилиши кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

(Давоми 2-бетда.)

Болалар спортини ривожлантириш — устувор вазифа

Хабар қилинганидек, 7 февраль куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш борасида марказда ва жойларда амалга оширилган ишлар бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ҳамда вилоятлар ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Мажлисда ҳомийлик кенгашининг 2003 йилги иш режаси тасдиқланди. Унда болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш, 2003-2005 йилларда мамлакатимиз ҳамда ҳудудлар миқёсида янги спорт иншоотларини барпо этиш дастури, болалар спортини мураббий кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, жисмоний тарбияга оид дарсликлар ва қўлланмалар яратиш билан боғлиқ бир қатор долзарб масалалар қамраб олинган.

Қуйида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мазкур иш режасини тасдиқлаш ҳақида қабул қилинган қарорининг баёни эълон қилинмоқда.

Аввало, мажлис иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов ва молия вазири М.Нурмуродовнинг жамғарма ҳисобида шу кунга қадар 3,7 миллиард сўм ва 900 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ жамланганги ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

Шу билан бирга, қабул қилинган қарорда жойлардаги айрим мутасадди раҳбарлар бу ўта муҳим масаланинг моҳиятига, унинг мавсумий иш эмас, балки доимий, узлуксиз давом этадиган жараён эканига етарлича аҳамият бермай, юзаки қараш ва шошма-шошарликка йўл қўяётгани кўрсатиб ўтилди.

Болалар спортини ривожлантириш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос табиий иқлим шароити ва анъаналарига мос келадиган истиқболли спорт турларини танлашда илмий асосда ёндашув, спорт мактаблари ва тўгараклари ишини тўғри ташкил этиш, ўқувчилар қалбида спортга қизиқиш, ҳавас ва интилиш уйғотишга етарлича аҳамият берилмаётганига эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда.)

Ироданинг навбатдаги ғалабаси

Ўзбек теннис маликаси Ирода Тўлаганова бу йилги мавсумни муваффақиятли бошлади. Январь ойида ўтган Австралия очиқ чемпионатида иккинчи босқичгача етиб борган эди. Кейинги мусобақа — Аёллар теннис уюшмасининг (WTA) тўртинчи тоифали турнирида ҳам яккалик, ҳам жуфтлик баҳсларида финалга чиқди.

Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ўтказилган бу турнир финалида теннисчимиз таиландлик Тамарин Танасугарнга қарши кортга чиқди. Кескин ва муросасиз бўлган баҳсда омад таиландлик теннисчи томонида бўлди. WTA рейтингида юқори поғоналардан бирини эгаллаб турган 25 ёшли Т.Танасугарн 6:4, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

Жуфтликлар баҳсида Ирода Тўлаганова россиялик таниқли теннисчи Елена Лиховцева билан ҳамкорликда финалгача етиб келди. Асосий учрашувда улар россиялик Евгения Куликовская ва «Тошкент опен» мусобақалари орқали ўзбекистонлик теннис мухлисларига яхши таниш бўлган Белорус вакиласи Татьяна Пучек жуфтлигига қарши ўйнади. Бу беллашувда турнирда биринчи рақамда саралланган И.Тўлаганова-Е.Лиховцева жуфтлиги 6:4, 6:4 ҳисобида ғалаба қозониб, ўз устунлигини амалда исботлади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири

Суратда: машҳур теннисчи Ирода Тўлаганова бўлғуси чемпионлар даврасида.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

Болалар спортини ривожлантириш – устувор вазифа

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Жойларда болалар спортининг бугунги ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, жамиятимизда спорт маданиятини ривожлантириш, мактаблардаги жисмоний тарбия ўқитувчиларининг билими ва профессионал савиясини кўтариш, мавжуд муаммоларни атрофлича ўрганиш, бу йўналишда маҳалла фаоллари билан биргаликда иш олиб бориш, коллеж ва лицейлардаги спорт заллари имкониятларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, оилавий спорт мусобақаларини ташкил этиш, ёшларга, айниқса, қизлар учун зарур шароитлар яратиб бериш ва уларни сифатли, замонавий спорт кийимлари билан таъминлаш масалалари давр талабига жавоб бермаслиги қайд этилди.

Айрим вилоятларда жамғарма ҳисобига маблағ ўтказиш, таъсисчи ва ҳомийлар билан ҳамкорлик қилиш, мавжуд спорт шахобчаларини инвентаризациялаш, уларни жорий ва капитал таъмирлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, янги замонавий спорт иншоотларини илмий асосда жойлаштириш схемаларини тайёрлаш масалалари ниҳоятда суст бормоқда. Шунингдек, жамғарманинг марказий аппарати, жойлардаги минтақавий филиаллари малакали, фидойи ва жонкуяр кадрлар билан таъминланишига етарли эътибор берилмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими маркази, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда «Маҳалла» жамғармасига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда бир ой муддатда, ўқувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва ёши билан боғлиқ хусусиятларни инобатга олган ҳолда болалар спортини белгиланган йўналишлар (1-4 синф, 5-9 синф, коллеж ва лицейлар, маҳаллалардаги спорт шахобчалари) бўйича ҳар томонлама таҳлил этиш, спорт билан мунтазам шуғулланаётган болаларнинг (6 ёшдан 17 ёшгача) сонини аниқлаш ва танқидий баҳо бериш, болалар спорти ҳолатини республика ва вилоятлар миқёсида ўрганиб, мамлакатимиз ҳудудларида спортнинг қайси турларини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш зарурлиги ҳамда уларнинг босқичлари ва истиқболлари хусусида таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматовга болаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан уйғун камол топишини таъминлаш, мамлакатимизда болалар спортининг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ва илмий асосларини яратиш мақсадида шифокорлар, спорт мураббийлари, педагог, психолог ва бошқа мутасадди мутахассислардан иборат комиссия ташкил этиш ҳамда унинг таклифларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъат йиғилишларида мунтазам назорат қилиш тавсия этилди.

«Маҳалла» жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси икки ҳафта муддатда кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш дастури асосида «Соғлом оила» мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов ҳамда Бош вазир ўринбосари М.Усмоновга бир ой муддатда болалар спортини ривожлантириш учун зарур спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чарм пойафзал маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда дастур тайёрлаш вазифаси юклатилди.

Қарорда қайд этилганидек, «Ўзбекенгилсаноат» компаниясига миллий қадриятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда жорий йилнинг 1 июлигача болалар спорт кийимларининг дизайнини жаҳон андозалари даражасида ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соҳа олимлари, мутахассислари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси иштирокида болалар спортини мураббий кадрлар билан тўлиқ таъминлаш, болалар спорти инструкторлари ва спорт журналистларини тайёрлаш ишини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, икки ой муддатда ҳомийлик кенгашига киритиш юклатилди.

Умумтаълим мактаблари учун янги дарслик ва ўқув адабиётларини нашр қилиш ишлари билан шуғулланадиган ҳукумат комиссиясига мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2003-2004 ўқув йили учун жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўқув дастурлари, дарслик, қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш ва чоп этиш вазифаси топширилди.

Барпо этиладиган спорт иншоотларининг салоҳияти ва истиқболи, ҳажми, жойи, уларга сарф қилинадиган маблағларни аниқлаш, лойиҳа сифатини экспертизадан ўтказиш ва уни ҳомийлик кенгаши тасдиғига киритиш мақсадида жамғарма аъзолари ва мутасадди мутахассислардан иборат махсус ишчи гуруҳи тузилиши зарурлиги қайд этилди. Жамғарма бошқаруви ҳамда «Ўздавархитектқурилиш» қўмитаси мазкур ишчи гуруҳи билан биргаликда кўрсатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаши кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлагановга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда махсус ишчи гуруҳи таклифлари асосида 2003 йилнинг 1 июлигача, қишлоқ жойларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, 2003-2005 йилларга мўлжалланган янги спорт иншоотларини барпо этиш режасини ишлаб чиқиш ва ҳомийлик кенгашининг тасдиғига киритиш вазифаси топширилди.

Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳомийлик кенгашлари раисларига болалар спортининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш салоҳияти, ҳар қайси туман ва шаҳар минтақасида мавжуд спорт базаларидан самарали фойдаланиш аҳволини ўрганиб, тегишли баҳо бериши, 2003 йилга мўлжалланган иш режалари ва тадбирларни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимовга Молия вазирлиги, жамғарма бошқаруви билан биргаликда бир ой муддатда жамғарма ҳисобига тушадиган маблағларни сарф этиш тартиби ва бунёд этиладиган спорт иншоотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Низомларни ҳамда янги спорт иншоотларининг штат бирликларини тасдиқлаш топширилди.

Жамғарманинг минтақавий филиаллари ҳисобига тушган маблағлар шу ҳудудларнинг ўзида мақсадли равишда сарфланиши маълумот учун қабул қилинди.

Қарорда Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг маъно-моҳияти, ижтимоий ҳаётимиздаги ўрнини чуқур очиб бериш, мазкур эзгу ташаббусни том маънода умумхалқ ҳаракатига айлантириш мақсадида бу борадаги ижобий тажрибани кенг ташвиқ-тарғиб қилиш тавсия этилди.

(ЎзА)

Фаоллар билан мулоқот

● ХДП АХБОРОТИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия тузилмалари фаоллигини ошириш чора-тадбирларини кўрмоқда. Шу мақсадда, ЎзХДП аъзоларининг фикр-мулоҳаза ва таклифлари ўрганилмоқда, минтақавий ўқув семинарларини ўтказиш режалаштирилди, партия ташкилотларининг илғор иш тажрибасини оммалаштиришга эътибор кучайтирилмоқда, маҳаллий партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Яқинда Марказий Кенгаш масъул ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон ХДП Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Тошкент вилоят, Фарғона ва Чирчиқ шаҳар, Жалолқудуқ, Уйчи, Сайхунобод, Ғаллаорол, Оқдарё, Бўстонлиқ, Мирзо Улуғбек, Чилонзор туман кенгашлари ҳамда қатор ҳудудий ташкилотларда бўлиб, партия фаоллари билан, ЎзХДПдан сайланган Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида, учрашди. Уларда Марказий Кенгаш масъул ходимлари С.Усмонов, С.Қурбонов ва бошқалар, партия марказий сайланма органлари ҳамда унинг Олий Мажлисдаги фракцияси фаолияти, парламент ислоҳоти муносабати билан, Ўзбекистон ХДП ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўзлаб, йиғилганлар саволларига жавоб бердилар.

Жонли мулоқот тарзида ўтган учрашувларда, фаоллар, ўз навбатида, жойларда партиявий ишларнинг аҳволи, тўпланган тажриба, дуч келинаётган қийинчиликлар борасида гапирдилар. Суҳбатлар давомида, Ўзбекистон ХДПнинг барча тузилмаларини жонлантиришга қаратилган, бир қатор таклифлар ўртага ташланди. Бундай учрашувларнинг партия раҳбар органлари учун ҳам, унинг маҳаллий ташкилотлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирларда Ўзбекистон ХДП тегишли вилоят, шаҳар, туман кенгашлари котиблари, масъул ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

Соғлом миллат, соғлом жамият кафолати

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айни пайтда янги болалар спорти иншоотларини олисдаги ёки чекка жойлардаги қишлоқ ва овуллардан бошлаш зарурлигига алоҳида аҳамият берилди.

Тўғри, сўнгги йилларда халқаро андозаларда қурилган коллежлар ва лицейлар замонавий спорт мажмуаларига эга. Бироқ, уларнинг кўпи бугунги кунда гўё «хўжа кўрсин»га қурилгану, ичкариси доим бўм-бўш, ҳувиллаб ётганлигини яширишнинг ҳожати йўқ.

Ҳолбуки, болалар спортини ривожлантириш, бу – миллат келажаги, юрт эртаси билан боғлиқ муҳим масаладир. **«Маҳаллаларда спортга, мактабларда жисмоний тарбия дарсларига қанчалик катта эътибор берсак,** – деган эди бундан икки ойча муқаддам **«Ўзбекистон овози»** газетаси таҳририятида болалар спортини ривожлантириш мавзусига бағишланган давра суҳбатида Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла котиби Қобилжон Толипов, – **уларда спортга меҳр уйғониб, интилиш кучаяди. Ажабмас, кейин улар катта спортга ҳам кириб борса, ораларидан чемпионлар чиқса. Уларнинг шуҳрати – юртимиз шуҳрати, ахир...»**

Оқсаройда бўлиб ўтган мажлисда айни шу фикр ҳам ўз аксини топди. Болаларда жисмоний тарбияга меҳр уйғотмай, уларни спорт оламига олиб кирмай туриб соғлом миллат, соғлом жамият ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилди. **«Халқимиз орасида,** – дейилди унда, – **юрт шуҳрати, миллат шаънини кўкларга кўтара оладиган истеъдод эгалари бисёр. Фақат уларга етарли шароит яратиш, вақтида кашф қила билиш керак».**

...Ўтган ҳафтанинг яна икки воқеаси – мамлакатимизда кенг нишонланган буюк мутафаккир, ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг 562 йиллиги тантаналари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисидаги қарорнинг эълон қилиниши бўлди. Айниқса, ҳукуматимизнинг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисидаги қарор (шарҳи газетамизнинг ўтган сонида чоп этилди) маҳаллаларимиз фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини эндиликда тағин ҳам оширади. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз, расм-русумларимиз ва ўзаро меҳр-оқибат туйғуларимиз нуфузини шунчаки кўтарибгина қолмай, янада мустаҳкамлайди ҳам. Энг муҳими, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиради.

Назаримда, шарҳимизда тилга олинган ҳар учала воқеа халқимизнинг руҳияти ва кайфиятига ҳамоҳанг, одамларнинг турмуш тарзи ва қадриятига дахлдор. Улар умуминсоний ғояларга чулғанган ислоҳотларимиз тамойилларининг изчил амалга ошаётганидан ёрқин далолат!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали жамоаси

Ўзбекистон халқини ва барча мусулмонларни муқаддас Ийд ал-Адҳо – Қурбон ҳайити билан самимий муборакбод этади. Мана шу саодатли ва фарахли кунларда Аллоҳ таолодан юртимизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва равнақ сўрайди. Барча юртдошларимизга омад, шодлик, фаровонлик ҳамиша ҳамроҳ бўлишини тилайди.

РКМБ Тошкент шаҳар филиалида ўтган ҳафтада бўлиб ўтган биржа савдоларида умумий сотилиш нархи 7000 000 сўм бўлган 2 та кўчмас мулк сотилди.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Сизларни ҳар ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган биржа савдоларига таклиф қиламиз.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

«Эски Жува универсал бозори» ОАЖ

2003 йил 17 март куни 2002 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиллик мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

Кун тартиби:

1. «Эски Жува универсал бозори» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият йиллик балансини тасдиқлаш, даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
7. Жамият Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш.
8. 1999 йилга ҳисобланган дивидендлардан акциядорларга тарқатилмай қолган қисми, яъни 427724 сўмни жамият ҳисобида қолдириш.

Акциядорларнинг умумий мажлиси бозор ҳудудида жойлашган «Манзура» ЖК биносида соат 15.00 да бошланади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 14.00 дан бошлаб амалга оширилади.

Бизнинг манзил: Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.
Умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2003 йил 15 февраль ҳолати билан ёпилади.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

● ҲАРБИЙЛАР ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР

Профессионал, ихчам,

ҲАРБИЙЛАРИ ЎЗ ОИЛАСИ, КЕЛАЖАГИ, ВАТАНИНИ

КЕЧА ВА БУГУН

Ҳарбий самолётга чиқдик. Қашқадарё вилоятига учишимиз керак. Парвоз олдидан табиийки, кишининг кўнглида алланечук хавотирми, ҳадикми бўлади. Айниқса, ҳарбий самолётда аввалари учмаган одам учун бироз ваҳима уйғотиши табиий. Ҳарбий самолётнинг одам ташиш қисми йўловчи ташувчи самолётдан фарқ қилади. (Кимки ҳарбий самолётда учмаган бўлса, киноларда, махсус телекўрсатувларда кўрган... Ичкарида иккита узун ўриндиқ ўрнатилган. Мана шу ўриндиқларга ўтирилади. Самолётнинг эшиги эса орқа – «дум» қисмида. Улкан дарёга ташланган «темирдарвоза»га ўхшаб кетади – пастдан юқорига қараб кўтарилади-ёпилади.)

Хуллас, самолёт ўриндиғида санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, олимлар, матбуот вакиллари...

Техник тайёргарликдан сўнг самолётимиз ҳаволади.

Шерикларимнинг деярли барчаси ҳарбий ҳаётдан узоқ кишилар... аниқки, бугун улар ҳарбий самолётда биринчи бор учишмоқда. Мен эса аввал ҳам учганман. Икки марта. Ўзга мамлакат – дарёнинг нариги томонига.

Бундан роппа-роса ўн олти йил аввал. Ўшанда ўн саккиз ёшда эдим. Ўшанда ҳам қиш эди. Худди мана шу аэродромга Ашхоболдан олиб келишди. Бир эшелон аскарни битта самолётга тиқишди. Ўриндиқлар эмас, ҳатто ўртада очиқ майдончада ҳам жой қолмади. Самолёт эшиги зичланиб ёпилганда ҳам, кўпчилик аскарларнинг кўнглида аллақандай тасодиф туфайли, самолёт дунёнинг тинч шаҳарларидан бирига бориб қўнса, урушга эмас, тинч, гўзал жойларга борсак, бизни алдашаётгандир, биз билан ҳазиллашаётгандир, деган умид учқунлари чарсиллаб турарди.

Ҳе, қаёқда... Самолёт тўппа-тўғри Кобулга бориб қўнди. Бизни шу атрофдаги ҳарбий казармага олиб боришди. Менга даставвал шу нарса таъсир қилди – бу ердаги аскарларнинг юзлари устидаги ҳарбий кийим сингари сарғайиб кетган, қонсиз ва нурсиз эди. Нима бало, булар ёппасига сариқ касалига йўлиққанмикин, деган ўй кечди хаёлимдан. Йўқ, янглишибман, улар аэродромни қўриқлашар, соппа-соғ йигитлар экан. Бироқ, қўрқув, зўриқиб, ҳар куни жонҳалак ҳолда ваҳм ичида яшаб, ичингдан узилиб кун кўраверсанг, шу аҳволга тушиш мумкинлигини кейинчалик ўзим ҳам англаб етдим.

Шундай гаплар... Орадан йиллар ўтди. Энди, бугун ҳаёт мутлақо бошқача. Ватан озод бўлди, армиядаги ҳаёт ҳам ислоҳ қилинди, қилинаяпти. Энг муҳими, бугунги аскар – Ўзбекистон ўғлони кимни, нимани ҳимоя қилаётганини жонжони билан, қон-қони билан, иймони билан ҳис қилади. Ватан бу ота-онаси, севикли ёри, фарзандлари, ҳаммамизнинг уйимиз – Ўзбекистон эканлигини яхши билади. Ватандан ташқарида Ватан йўқлигини, Ватан аскарнинг ботинида эканлигини, у шу ботиний тушунчани жисми-жони, бутун танаси, вужуди билан, керак бўлса, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб ҳимоя қилиши муқаддас бурч эканлигини ҳам тушуниб етган...

ШИДДАТИДАН ЎТ ЧАҚНАЙДИ

Самолёт Қашқадарёга қўнди. Биринчи учрашув шу атрофдаги аскарлар билан бўлди. Саф майдони ҳарбийларга лиқ тўлди. Очиқ осмон остида Ватан шаъни улуғланган қўшиқлар янгради; шеърлар ўқилди. Айниқса, севги борасидаги лирик қўшиқлар авжга чиққач, майдонга гуррос-гуррос бўлиб рақс тушгани аскарларимиз чиқиб келишди. Уларни кўргани келган ота-оналарнинг қувончи бир олам бўлди. «Ватанпарвар» газетаси бўлим бошлиғи, таниқли ижодкор, майор Абдураззоқ Обрўев бугунги учрашувнинг моҳияти ҳақида сўзлаб, мамлакатимизда оммавий мудофаа ва ватанпарварлик ойлиги давом этаётгани, юртимиз ҳарбий ҳаётида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётганини гапирди. Бизнинг кайфиятимиз кўтарилгани шундаки, қисмдаги аскарларнинг руҳи тетик, улар ўз ҳарбий маҳоратларини тобора ошириб бораётгани қаторида, бу ерда маърифат ва маънавият соҳасига жиддий эътибор қаратилаётгани бўлди. Аскарларнинг миллий ва қаҳрамонлик руҳидаги жўр қўшиғи, улар томонидан ҳарбийлар ҳаётига мос тарзда тайёрланган саҳна кўринишлари айрим ижодкор аскарлар ўқиган шеърлари – бари-бари бугунги профессионал ўзбек армиясида интеллектуал жиҳатдан етук ҳарбийлар хизмат қилаётганидан далолат эди.

Мен ўз билимим даражасида икки аскар йигит билан гаплашдим. Бири Алишер – Самарқанддан, бири Дилшод – Бухоронинг Шофирконидан. Алишер аскарликка бокс билан шуғулланган. Ҳозир ҳам бу машғулотни ташламаган. Ҳарбий соҳадаги айрим саволларимга дадил жавоб берди – кўз очиб-юмгунча Калашников автоматини сочиб-йиғди. БМП, БТР, танк сингари ҳарбий техникаларни бошқаришни, жанговар ҳолатда улардан фойдаланишни мукаммал биларкан. Кўз ўнгимда турникда чархпалак бўлиб айланди. Ҳарбий қисмда деярли барча хизматдошларидан ортиқ фазилати йўқлигини айтиб, камтарлик ҳам қилди. Дилшод эса алоқа воситалари билан ишлаш бўйича мутахассис, очиғи, частоталар орқали, махсус атамалар қўллаб алоқага киришув ҳақида (ўз ҳарбий тажрибамдан келиб чиқиб) савол бергандим, бироз мийиғида кулиб қўйди, умуман қийналмасдан жавоб берди. У баъзи бир мулоҳазаларни айтганди очиғи, ҳарбий алоқачилик учун мукаммал билим кераклигини англадим, Дилшодга ҳавасим келди.

ТАКЛИФ

Подполковник Мурод Ғофуров командирлик қилаётган қисмга келдик. Деярли ҳарбийлар яшайдиган гўзал шаҳарчадаги маданият саройи гавжум. Ҳарбийлар, уларнинг оиласи, ўғил-қизлари, сержантлар, шартнома асосида хизмат қилаётган аскарлар, ҳатто фарзандларини кўргани келган ота-оналар тўпланишган. Ушбу маърифий учрашув ҳам мароқли кечди.

Йиғиндан сўнг қисм командири ўринбосари, подполковник Шуҳрат Холмуҳаммедов билан яқиндан танишиб олдик. Ёши ўттиз бешда. Андижон вилоятининг Бўз туманидан экан. Шуҳратжон менга бир таклифни айтди: «Матбуот саҳифаларида аскарлар ҳаётига кенг ўрин бериш лозим. Дейлик, нашрларимизда, жумладан, «Ўзбекистон овози» газетасида ҳам ҳарбий мавзуларга эътибор бериб борилса, аскарларнинг ҳарбий тайёргарлиги, маънавияти борасида салмоқли чиқишлар қилинса яхши бўларди... Чунки, бугун армияни ислоҳ қилиш учун учта муҳим йўналиш назарда тутиляпти. Биринчидан, профессионал армияни ташкил қилиш, иккинчидан, армияни ихчамлаштириш, сонга эмас сифатга эътибор бериш, учинчидан, юқорида айтганим – армия ва халқ бирлиги, бирдамлиги, армия билан турли-хил жамоат ташкилотлари ишини жонлантириш. Бунинг учун, албатта, содда, лўнда, тушунарли, керак бўлса, армиядаги айрим муаммоларни очиқ-ойдин тарзда матбуот саҳифаларида ёритиб бориш ҳам керак...»

Менга Шуҳратжоннинг гапи маъқул келди. Чиндан ҳам бугунги аскар, Юртбошимиз таъкидлаганидек, нафақат ҳарбий маҳоратни мукаммал эгаллаши, балки маънавий жиҳатдан етук, миллий қадриятлар асосида замонавий дунёқарашга эга, маърифатли бўлмоғи керак. Нишонни бехато уриш мумкин. БМП-2 ёки БТР, БРДМ ёхуд танкни пухта ўзлаштириб бошқариши, ўз йўналишидан келиб чиқиб ҳарбийдаги барча соҳаларни кенг қамровли тарзда ўрганмоқ мумкин. Бироқ, аскарнинг маънавий жиҳатдан савияси саёз бўлиши асло мумкин эмас. Шундай экан шахс даражасига кўтарилмоқ – фикрламоқ, тафаккур қилмоқ, дунёга теран нигоҳ билан қараш, зиёли бўлиб ҳарбий хизматни ўташ бугуннинг муҳим талаби бўлиб турибди.

«СУВДОНИМНИ БЕРМАЙМАН...»

Ҳарбий қисмдамиз. Саф майдони. Аскарлар тизилишиб турибди. Ҳарбий тайёргарлик кўригидан ўтишмоқда.

Ташриф қолдирилди

Маълумки, Европа Иттифоқи махсус делегациясининг Шимолий ва Жанубий Кореяга ташрифи 11-12 февраль кунларига белгиланган эди. Улар КХДРнинг ядро дастури бўйича олиб бераётган ишлари юзасидан музокаралар юритишлари лозим эди. Аммо Европа Иттифоқига раислик қилувчи Греция бу ташрифни қолдирди, дея хабар беради Reuters агентлиги. Лекин нима сабабдан бундай қарорга келинганлиги айтилмади.

Автомобиллар қайтариб олинмоқда

Volkswagen компанияси 2001-2002 йиллари ишлаб чиқариб сотган «Beatle», «Jetta», «Passat» ҳамда «Audi-A4» русумидаги автомобилларини қайтариб олишини эълон қилди. Бундай машиналар АҚШда 500 мингта экан.

«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, компания машиналари ўт олдириш тизимида катта нуқсон билан сотувга чиқариб юборилган. Бу нуқсон эса двигатель кучини бирдан тушириб юборади.

Бош вазир ва қуйи палата бошқармоқда

Чехия парламенти қарорига кўра, мамлакатда президентлик сайловлари 28 февралда бўлиб ўтади. Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар тарқатди.

Маълумки, аввалги икки сайловда ҳам мамлакатга президент сайланмай қолган эди. Вацлав Гавел эса президентлик ваколатини 2 февралда топширган. Ҳозир мамлакатни бош вазир ва қуйи палата раиси бошқармоқда.

Агар учинчи тур сайловларида ҳам давлат бошлиғи сайланмай қолса, унда Чехия яна бир неча ой президентсиз қолиши мумкин.

Дунёдаги энг улкан минора

Ушбу суратда кўриб турганингиз дунёдаги энг баланд минора бўлади. У ҳозирча йўқ, лекин лойиҳаси тайёр. Қурилиши эса шу йил охирларидан бошланади. У Австралиянинг Янги жанубий Уэльс ва Виктория штатлари чегарасида, Милдур шаҳридан 25 километр нарида қад ростлайди. Мазкур минора улкан қуёш электр станцияси бўлиб, унинг баландлиги 1000 метрни ташкил этади. Демак, Малайзиядаги Petronas қўшминорасидан икки баравар (у 452 метр), ҳатто дунё бўйича энг баланд минора — Торонтодаги Canadian National Tower минорасидан (553 метр) ҳам салкам икки марта баланд бўлади.

Қурилишни Австралиянинг Enviro Mission Ltd компанияси олиб боради.

Reuters берган хабарга кўра, миноранинг заминда турган асосий қисми футбол майдонига тенг жойни эгаллайди, яъни минора атрофида 25 метр баландликда ойнаванд гумбазли бино қурилиши лойиҳалаштирилган бўлиб, унинг айланаси 7 километрга тенглашиб қолади.

Мазкур қуёш электростанциясининг ишлаш тартиби бундай: у немис муҳандиси Йорг Шлайхнинг «Қуёш трубинаси» дея номланган ихтироси бўйича ишлайди, яъни қуёш нури ойнаванд гумбазли бино ичидаги ҳавони қиздиради, қизиган ҳаво ўз навбатида конвекция қонуни (иссиқлик ёки электр зарядининг муҳит оқими туфайли кўчиши, тарқалиши)га кўра, 1 километрлик минора бўйлаб юқорига ўрлайди ва унда жойлаштирилган генераторларнинг 32 та трубинасини айлантиради. Ва шундай қилиб электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Бундай лойиҳа биринчи марта 1982 йили Шлайх томонидан Испанияда амалга оширилган. Ўшанда 200 метрли минора 7 йил давомида узлуксиз ишлаган. Австралия минорасининг ташқи томонига эса қуёш батареялари ҳам ўрнатилади.

Лойиҳага кўра, ушбу станциядан йилига 650 гиговат-соат электр энергияси олиш кўзда тутилмоқда. 2010 йилга бориб эса 9500 гиговат-соат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳукумат режасига киритилган.

Қурилиш 2006 йилда якунланади. Унга тахминан 563 миллион доллар сарфланади.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

Банк+Мижоз+Кредит = Барака

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»НИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШҚАРМАСИ ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАР ХУСУСИДА

Бошқарма қабулхонасида ўтирган уч-тўрт кишининг биридан сўрадик:

— Кредит олмоқчимисиз?

— Олиб бўлганман, — деди у мамнун. — Натижасини айтиб, бир мақтаниб кетай деб келдим.

— Зў-ўр бўлганга ўхшайди-да, а?

— Бўлганда-ки... — ҳикоя қилишга тушди у. — Ўтган йили шу банкнинг ўз ресурси ҳисобидан Нукус шаҳар бўлими орқали 3 миллион 500 минг сўм кредит олувдик. Кейин шаҳарнинг «Дўстлик» гузарида автомобилларни ювиш ва енгил автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш маркази очдик. Олдиндан барча турдаги таъмирлаш ишлари учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни тўла сотиб олдик. Ҳозир ишларимиз юришиб кетди. Аста-аста кредитни узиш жараёнларини ҳам бошлаб юбордик. Ўнта янги иш ўринлари очилди. Мижозлар ҳам кўп, иш ҳам...

— Кечирасиз, исми-шарифингиз?

— Хусусий тадбиркор — Махсет Тлеумуратовман.

...Банк қабулхонасида ўтирган бошқа мижозлар билан ҳам бўлган суҳбатларимиз шакли шамойили деярли шу тарзда ўтди. Дарвоқе, республика акциядорлик-тижорат «Пахта банк» бўлимларида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Шу боиски, банк акциядорлари ҳам йил сайин кўпаймоқда. Мижозлар эса кўрсатилган хизматлардан мамнун. Сабаби — омонатларнинг янги-янги турлари кўпайиб, пировардида, аҳолига ҳам, давлатга ҳам манфаат келтирмоқда.

Сир эмас, сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикасидаги оғир экологик вазият ва сув танқислиги туфайли кўпгина экинлардан яхши ҳосил олинмаяпти. Анъанавий экинлар, яъни пахта, шоли ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Санацияга тушган

1

хўжаликлар сони ошди. Лекин шундай бир оғир шароитда ҳам халқ хўжалигига намунали банк хизмати кўрсатишнинг турли янги йўллари қидириляпти. Хусусан, дебитор ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича анчагина ишлар қилинди. Жумладан, уларни камайтириш мақсадида «сўндириш занжири» дастури ишлаб чиқилди.

Иш ҳақидан қарздорлик бўйича мониторинг жорий этилиб, қарздор хўжалик субъектларининг ҳисоб рақами орқали бўлаётган ҳисоб-китоблар ҳамда махсус траншлар орқали ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши доимий назоратда. Ҳисоб рақамида маблағ бўлмай, вақтинчалик молиявий қийинчиликка учраган хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш орқали иш ҳақидан қарздорликни камайтириш чоралари кўрилмоқда. Масалан, ўтган йили «Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо», Қишлоқ ва сув хўжалиги, «Пахтасаноатсотиш» ҳудудий бошқармалари корхоналари ҳамда санацияга тушган ширкат хўжаликларига шу йўл билан кўплаб ёрдам берилди.

Мижозлар кўпаймоқда. Демак, акциялар сони ҳам ошмоқда. Ҳозир кўпгина вазирлик ва идораларга қарашли корхоналар, ташкилотлар банк акциядорлари бўлишди. Жумладан, «Ўзпахтасаноатсотиш» (161 минг 47 акция), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (165 минг 254 акция), «Ўзқишлоқхўжаликкимё» (100 минг 293 акция), «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» (67 минг 849 акция) сингари энг йирик акциядор ташкилотлар бор. Шунингдек, республикадаги юридик шахс ҳисобланган яна кўплаб бошқа муассасалар ҳам эндиликда банк акцияларини сотиб олишяпти. Имтиёзли акциялар сони 6268 га етди. Жисмоний шахсларга эса 50 минг 572 дона акция сотилган.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатлари ва муддатли депозитларга жалб этиш жараёнларига «Пахта банк»нинг 17 та бўлими жалб этилган бўлиб, улар 7220 мижозга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 484 нафарга кўпайди. Акциядорлар 724,4 миллион сўмлик акциялар сотиб олишди.

Шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бўлган ҳисоб-китобларни таҳлил қиладиган бўлсак, жамлама капитал тўплаш бўйича мўлжалланган режа ортиғи билан уддаланди. Аслида 1 миллиард 872 миллион 281 минг сўм жамлама капиталга эга бўлиш кўзда тутилганди. Йил охиригача бу кўрсаткич — 1 миллиард 879 миллион 81 минг сўмни ташкил этди. Соф фойда 388 миллион сўм ўрнига 409 миллион 324 минг сўмдан ошди. Муддатли омонатлар бўйича жалб этилган омонат маблағлари миқдори ҳам 354,8 миллион сўмдан зиёд бўлди. Айниқса, «Қариялар қадр-қиммати» (84 миллион 678 минг сўм), «Шарқ юлдузи» (89 миллион 251 минг сўм), «Фаровонлик» (69 миллион 676 минг сўм), «Болалар — келажагимиз» (68 миллион 254 минг сўм) сингари муддатли омонат турлари жуда самарали бўлди. «Оқ олтин», «Муқаддас замин», «Она замин», «Ҳосил», «Навниҳол» муддатли омонат турлари бўйича ҳам натижалар чакки эмас.

Банкнинг кредит портфели ҳам кенгаймоқда. Биргина ўтган йили банк бўлимлари томонидан 2 миллиард 464,1 миллион сўм кредит маблағлари берилди. Шу жумладан, қурилиш соҳасига 389 миллион сўм, савдо хизматини яхшилашга 683 миллион, пилла тайёрлашни кўпайтириш учун 104 миллион, таълим сифатини ошириш учун 105 миллион сўм маблағ ажратилди.

2

Хизмат сифатини яхшилаш, мижозларга, айниқса, фермерларга яқинроқ бўлиш йўлида 2002 йилда дастлаб узоқ қишлоқ ва овулларда бешта минибанк очилди. Йил охирига келиб уларнинг сони 13 тага етди. Ҳозир улар 976 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда. Йил давомида банк ўз маблағи ҳисобидан 386 хўжалик субъектига 721,1 миллион сўм кредит берди. Шундан 112,8 миллион сўми қисқа муддатли, 608,3 миллион сўми (яъни, асосий қисми) ўрта муддатли кредитлар бўлди. Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 237 хўжалик субъектига 243,8 миллион сўм кредит ажратилди. Жумладан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳисобидан 140 хўжалик субъекти 119,1 миллион сўм, деҳқон-фермер хўжаликлари жамғармаси ҳисобидан 14 та хўжалик субъекти 15,6 миллион сўм маблағ билан таъминланди.

«Пахта банк» бўйича кичик ва ўрта бизнес субъектларига ўтган йилнинг ўзида 963 миллион сўм маблағ ажратилганлигини айтиб ўтиш ўринли. Бундан ташқари, туман бўлимларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қатор қулайликлар ҳам яратилди: тадбиркорлар бурчаги ташкил этилди, ишонч телефонлари ишлаб турибди. Одамларга ўз бизнесларини ривожлантириб, янги иш жойлари очишлари учун кенг имкон берилди. Масалан, «Гулнур» хусусий фирмаси Тўрткўл бўлимининг имтиёзли кредитлаш жамғармасидан 20 миллион сўм кредит олганди. Кейин бу ерда гилам ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Фирма шу кунгача 11 миллион 850 минг сўмлик гиламлар тайёрлади. Ҳозиргача 8 миллион 950 минг сўмлик маҳсулот сотилиб, фирма 2 миллион 600 минг сўм соф фойда олди. 37 та янги иш ўринлари яратилди. Оқмангит бўлими томонидан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи дастгоҳ ва ускуналар сотиб олиш учун тадбиркор Б. Мамедовга ажратилган 1 миллион сўмлик кредит ҳам янги цехнинг очилиши ва халқимизга кўплаб макарон маҳсулотлари етказиб бериш имконини берди. Олинган фойда ҳисобидан қуритиш дастгоҳи сотиб олинди. Айни пайтда бу ерда бир кеча-кундузда 7-8 қоп ун қайта ишланиб, 300-400 килограммгача маҳсулот тайёрланмоқда.

Фермер хўжаликларини ривожлантиришни мақсад қилган 900 дан зиёд хўжалик ҳам банк хизматидан мамнун. Масалан, ўтган йили «Шолпан» фермер хўжалиги йирик шохли қорамол ва емхашак сотиб олиш учун 2 миллион сўм кредит сўраб, «Пахта банк»ка мурожаат қилганди. Банк эса фермерга дарҳол ёрдам берди. Маблағнинг 50 фоизи нақд пул ҳисобида берилди. Ҳозир 7 киши иш билан таъминланган мазкур хўжаликда 20 бош қорамол ва 15 бош от боқилмоқда. Айни пайтда аҳолига гўшт ва сут маҳсулотлари ҳам етиштириб бериляпти.

Хуллас, банк фаолияти мижозлар кўнглини топишга қаратилган. Улар «Пахта банк»дан қай даражада рози бўлса, ишнинг унуми ва баракаси ҳам шунга яраша бўлади. Кичик ва ўрта бизнес ҳамда фермерлик ҳаракати қанчалик жадал ривожланса, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзак тармоғи — хусусий сектор ҳам шунчалик мустаҳкамланиб, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларимиз ўз самарасини бераверади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

3

Сообщения о существенных фактах ОАО «O'zmetallsavdo»

Порядковый номер сообщения — 09

Открытое акционерное общество «O'zmetallsavdo»

Вид общего собрания — Внеочередное общее собрание акционеров созвано по решению Наблюдательного Совета на основании требования акционера — Компании «Y. D. LLC», являющегося владельцем 66.3% голосующих акций.

Форма проведения общего собрания — открытое

Дата проведения общего собрания — 17.01.2003 г.

Место проведения общего собрания г. Ташкент, ул Уста Ширин, 136 (актовый зал)

Кворум общего собрания: Присутствовали 513469 голосующих акций, что составляет 94.25%. От общего количества акций, имеющих право участвоват на общем собрании

Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:

1. Внесение изменений и дополнение в Устав ОАО «O'zmetallsavdo» и иные документы связанные с вносимыми изменениями и дополнениями в Устав.

Результаты голосования: «За» — 512659, «Против» — 96, «Воздержавшихся» — 404

2. Выборы Наблюдательного Совета.

Результаты голосования:

Щербенюк С.Е. — «За» — 496282, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — нет

Тен Л.А. — «За» — 496393, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — нет

Ким Л.В. — «За» — 495712, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — нет

Халилова Ф.Ш. — «За» — 4492, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — нет

Мирджалилов М.М — «За» — 720740, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — нет

Джамалова А.С. — «За» — 348915, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — нет

3. Выборы ревизионной комиссии.

Результаты голосования:

Глобина Г.Г. — «За» — 371682, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — нет

Графова А .И. — «За» — 371438, «Против» — нет «Воздержавшихся» — нет

Рахимова М. В. — «За» — 3345, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — нет

Халилова Ф. Ш. — «За» — 786754, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — нет

4. Утверждение аудитора ОАО «O'zmetallsavdo» фирму ООО «TSIAR AUDIT».

Результаты голосования: «За» — 512830, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — нет

5. Утверждение Исполнительного органа ОАО «O'zmetallsavdo».

Результаты голосования: «За» — 373251, «Против» — 139121, «Воздержавшихся» — нет

6. Размещение выкупленных Обществом собственных акций в количестве 11310 штук на сумму 17492544 сум. путем передачи Компаний «Y. D. LLC.» в счет погашения долга.

Результаты голосования: «За» — 373373, «Против» — 139121, «Воздержавшихся» — 2.

7. Об основных направлениях деятельности ОАО «O'zmetallsavdo».

Результаты голосования: «За» — 511964, «Против» — нет, «Воздержавшихся» — 286.

Полные формулировки решений принятых Внеочередным общим собранием:

По первому вопросу: Утвердить изменения и дополнения в Устав ОАО «O'zmetallsavdo», в Положении О Наблюдательном Совета акционерного общества ОАО «O'zmetallsavdo» утвердив в новой редакции и в Положении об Общем Собрании акционеров ОАО «O'zmetallsavdo», утвердив в новой редакции.

По второму вопросу: Утвердить членов Наблюдательного Совета ОАО «O'zmetallsavdo», набравших большинство голосов, в следующем составе:

Щербенюк С.Е., Тен Л.А., Ким Л.В., Мирджалилов М.М., Джамалова А.С.

По третьему вопросу: Утвердить членов Ревизионной комиссии ОАО «O'zmetallsavdo», набравших большинство голосов, в следующем составе:

Глобина Г. Г. , Графова А. И. , Халилова Г. Р.

По четвертому вопросу: Утвердить аудитором ОАО «O'zmetallsavdo» фирму ООО «TSIAR AUDIT».

По пятому вопросу: Утвердить Исполнительный орган ОАО «O'zmetallsavdo» в следующем составе: Генеральный директор — Исламов Н. И. , Исполнительный директор — Рассказов В. Н.

По шестому вопросу: Разместить выкупленные Обществом собственные акции в количестве 11310 штук на сумму 17492544 сум. Компании «Y. D. LLC.» в счет погашения долга.

По седьмому вопросу: Одобрить проект основных направлений деятельности (программу) ОАО «O'zmetallsavdo».

Порядковый номер Сообщения — 10

Орган Управления эмитента в котором произошли изменения:

Наблюдательный Совет ОАО «O'zmetallsavdo»

Избраны Щербенюк С.Е., Тен Л.А., Ким Л.В., Мирджалилов М.М., Джамалова А.С.

Прекращены полномочия членов Наблюдательного Совета Файзиева Р. Т. , Соколова В. В. , Абдурахманова И. А. , Муминова Х. А., Халиловой Ф. Ш. Кайрлапова С. А, Насырова К

Ревизионная комиссия: Избраны — Глобина Г. Г. , Графова А. И. , Халилова Г. Р.

Выведены из состава Заитова Р.М., Нуманова Г.

Исполнительный орган ОАО «O'zmetallsavdo»: избраны Исламов Н.И. — Генеральный директор, Рассказов В.Н. — Исполнительный директор.

Прекращены полномочия членов Правления — Салахуддиновой Л.А., Холматова И.К., Азимова К.К., Кирячок О.М., Носачевой И.Г.

Уполномоченный Орган эмитента, принявший решение, являющееся основанием указанных изменений и дата его принятия.

Внеочередное Общее собрание акционеров ОАО «O'zmetallsavdo», 17.01.2003 г.

маънавий етук қўшин

ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ЯГОНА БУРЧ ДЕБ БИЛАДИ

Ҳар бир жангчи олдида, саф майдонида сафар халта (рюкзак) тахланган, унинг устида куракчадан тортиб барча ҳарбий анжомлар батартиб терилган. Аскарларнинг уст- бошлари яп-янги. Бўлинма командирлари ўз қўл остидаги аскарларнинг тайёргарлигини кўздан кечиришмоқда. Мен жангчилардан бирининг тайёргарлиги билан қизиқдим, тиш пастасидан тортиб, кўзгу, устара-ю, атир совун, иссиқ кийимлар, хуллас, низомда кўрсатилган барибари, игна-ипгача мавжуд. Тоғда юришга мўлжалланган кийим-бош дейсизми, махсус операцияларда кийиладиган кийим-кечак, сувдон, аскар исми-фамилияси битилган белгитахта, хуллас калом, агар бунга ўқдори ва озиқ-овқатни қўшсак, жангтўрва 50 килодан нарибери бўлади... Жангчи ана шу тўрвахалтани елкалаб ҳар қандай вазиятда шиддат билан ҳаракат қилиши керак. Буни пиёдалар қисмида хизмат қилганлар яхши англашади.

Мен взвод командиридан кўрикда саф тортган аскарлардан бири билан суҳбатлашишга изн сўрайман... Рухсат олгач, қаторда турган аскардан сўрайман:

— Исминг нима?

— Баҳодир.

— Баҳодир, сувдонингда сув борми?

— Бор.

— Ичсам майлими? — сўрайман қувлик билан.

— Йўқ...

— Нега?..

— Ҳарбий тайёргарлик кетаяпти.

— Ҳа, майли. Манови белкуракни қай йўсинда ушлаб хандақ қазиш мумкин?

— Вазиятдан келиб чиқилади.

— Масалан?..

— Жанг пайти, қўлдан қуролни қўймаган ҳолда, ётиб, бир қўл билан, ханжар ушлаш тарзида кўтариб ерга урилади, куракча орқаси билан тупроқ аскарнинг ён-верига ташланади.

— Агар, жанг пайти бўлмаса-чи?

— Чўккалаб ўтирасиз-да, белкуракни болта ушлаш тарзида икки қўллаб ишлатасиз...

— Темирқалпоқ, яъни каска билан хандақ тупроғини чиқариш мумкинми?

— Йўқ...

— Белгитахтага нега қисм номерини ёзмадинг?

— Мумкинмас.

— Қуролингнинг рақамини биласанми?

— Биламан, бироқ айтмайман...

— Тушунарли... Сен ҳозир жанговар тайёргарлик кўригига бенуқсон тайёрман, деб ўйлайсанми?

— Ҳа, худди шундай!

— Майда гап деб ўйламагину, лекин қошиғинг йўқ-ку?..

— Бор.

— Қани, мен кўрмаяпман...

— Овқат идишнинг ичида, мана.

— Ҳа, майли, саломат бўл!

— Сизга ҳам саломатлик тилайман!

Хуллас, бутун бошли батальон ўша кун кўрикдан бенуқсон ўтди... Низомга риоя қилинган алфозда дала машқига ҳозирлик кўрилди.

Аскарлар билан бирга тушлик қилдик. Дуруст. Таомлар сифатли. Тўйимли. Тушликка ош ҳам берилади. Армияда тартиб-интизом, ўзаро иззат-ҳурмат жиддий тарзда йўлга қўйилса, албатта, жанговар тайёргарлик ўз-ўзидан юқори нуқтага кўтарилиши, шубҳасиз. Мен бунга хизматнинг турли муддатини ўтаётган аскарлар — қувасойлик Қурбонали Бозорбоев, нарпайлик Алишер Қурбонов, жиззахлик Бўрон Шомуродов, избосканлик Ҳусниддин Аҳмаджонов, пайариқлик Шерали Юнусовлар билан турли йўсинда қилган суҳбатлардан сўнг яна бир карра амин бўлдим.

ҲАРБИЙ КУТУБХОНАЛАРГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Аскарлар ётоғи билан танишдик. Казармалар топ-тоза, ёруғ, деразалар чиннидай. Каравотлар бир текисда, батартиб. Тўшаклар дид билан тортиб-тахланган. Ҳар бир каравот олдида тумба, стул ўрнатилган. Маърифат хонасида Президентимиз асарлари, ҳарбийга оид китоблар тахланган.

Бу яхши. Бироқ «Ватанпарвар» газетаси бўлим бошлиғи майор Абдураззоқ Обрўев билан бир жиҳатдан фикримиз уйғунлиги маълум бўлди. Негаки, бугун ҳарбий қисмларимиз кутубхоналари анчайин ғариброқ аҳволда. Чунки, мустақиллик йиллари армия ҳаёти акс этган қўлланма ва адабиётлар кам. Ҳатто ҳарбий мавзудаги бадиий китоблар йўқ ҳисоби. Очиғи, кутубхоналарда, ўша, собиқ совет даврида-ги китоблар турибди. Тан олиш керак, ҳарбий мавзудаги китоб ва бадиий асарлар ёзилиши суст кечаяпти.

Янги давр, янги ислоҳот, янги қарашлар, янги миллий армиямиз шаклланди. Шундай экан, ҳарбий кутубхоналарни қайтадан бойитиш, тўлдириш, бугунги ҳарбийлар ва мутахассислар, ижодкорлар олдидаги муҳим вазифа деб ўйлайман.

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Сержило тафаккур дурдоналаридан*

ҚАДИМГИ (МИЛОДДАН АВВАЛГИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАРДАГИ) ҲИНДИСТОН МАСАЛЛАРИ, ДОСТОНЛАРИ, РИСОЛАЛАРИ ҲИКМАТЛАРИДАН:

(Давоми. Боши олдинги сонда.)

- *Худолар кимни хароб қилишни ният қилсалар, ўшани ақлдан маҳрум этадилар.*
- *Одам ақлли экан — нима бўлганда ҳам, у шоҳга хизмат қилади, заҳарни ютади ва аёллар билан лаззатланади.*
- *Ким барчага адоватсизлик ва нотўғри фикрларсиз қараса, унинг учун дунё хурсандчиликларга тўла.*
- *Битта, уни эшитиб хотиржам бўлинадиган, сўз, минглаб, бефойда сўзлардан тузилган, нутқлардан яхшироқ.*
- *Ҳамма нарса сўз билан белгиланади, сўзда илдиз отган, сўздан келиб чиққан. Ким сўзда алдаса, ўша ҳамма нарсада алдайди.*
- *Сукут сўзлардан афзал.*
- *Миллионлаб йиллардаги қонунсиз ҳаётдан, қонунда яшалган лаҳза, афзал.*
- *Ҳеч ким бошқармаётган, аёл ёки гўдак бошқараётган мамлакатда яшама.*
- *Сенга эркинлик муҳайё этилган бўлса, шундагина туғилишга арзийди. Модомики, ҳаёт — қуллик экан, унда ўлим нима?*
- *Ботир одам, олим киши ва гўзал аёл қаерга бормасинлар, ҳамма ерда паноҳ топадилар.*
- *Жасоратсиз ақл — аёлнинг хусусияти; ақлсиз жасорат — ҳайвоннинг хусусияти.*
- *Хавф туғилмагунича, ундан қўрқ; хавф келганида эса ундан қўрқма, унинг билан кураш.*
- *Тентак билан дўст бўлгандан кўра, ақлли билан душман бўлиш яхшироқ.*
- *На онангга, на хотинингга, на инингга, на ўз болаларингга, чинакам дўстга каби, ишониш мумкин эмас.*
- *Бериш, олиш, сирлашиш, сўраш, меҳмон қилиш, меҳмон бўлиш — мана дўстликнинг олтита белгиси.*
- *Дўстингдан қарз олма ва дўстингга қарз берма. Қарз, худди қайчи каби, дўстликни кесади.*
- *Агар кучсизлар якдил бўлсалар, кучлилар уларни енга олмайдилар; бир-бирига яқин ўсадиган буталарга довул қўрқинчли эмас.*
- *Аёл — туғиш, эркак — насл қолдириш учун яратилган.*
- *Уй бекаси — мана, уй нима дегани. Бекасиз уй ўрмонга ўхшайди.*
- *Ўз ўғлинг қандайин ёмон — тарбиясиз, бадбашара, нодон, саёқ, бехосият, — бўлмасин, у, ҳар ҳолда, қалбни қувонтиради.*
- *Ўғлинг билан беш ёшгача шоҳ билан каби муомалада бўл, беш ёшдан ўн бешгача — худди хизматкор биландай, ўн бешдан кейин — дўст билан сингари.*

Эрнинг хотин билан, отанинг ўғил билан ишларига аралашма.

- *Ҳатто, ўлим таҳдиди остида ҳам, нимани қилиш жоиз бўлмаса, уни содир этма; нимани қилиш жоиз бўлса, уни пайсалга солма — мана азалий қатъий қоида.*
- *Ҳеч қандай яхшилик беҳуда кетмайди.*
- *Мулойимлик ҳамма нарсадан кучлирокдир.*
- *Миллионлаб китобларнинг моҳияти — битта байтда: савоб — яқинингга яхшиликда, гуноҳ — яқинингга ёмонликда.*
- *Ҳатто, душманингдаги яхши нарсаларга тақлид қил, ҳатто, ота-онангдаги ёмон нарсаларга тақлид қилма.*
- *Олти киши уларга аввал ёрдам қилганларни эсламайдилар: шогирд — устозни; уйланган ўғил – онасини; кўнгли совуган эр — хотинини; мақсадга эришган — ёрдамчини; чакалакзордан чиқиб олган — йўл кўрсатганни; касал — табибни.*
- *На ортиқча мақтовларга, на танбеҳларга парво қилмаганга, зарбаларга зарба билан жавоб бермаганларга, хафа қилганга ёмонликни истамаганларга худолар ҳавас қиладилар.*
- *У душманинг бўлганида ҳам — меҳмонга эътиборли бўл. Ҳатто, қўлида болтаси бор ўрмон кесувчидан дарахтлар ўз соялариии аямайдилар.*
- *Ақлли кишига мажлисда бошқа киши тўғрисида ёмон сўзларни айтиш ярашмайди.*
- *Подшо бир маротабагина буйруқ беради, ҳурматли киши ўз мулоҳазасини бир маротабагина айтади, қиз болани бир маротабагина турмушга узатадилар — ушбу учта ишни бир маротабагина қиладилар.*
- *Подшоларга, оловга, бошлиқларга ва аёлларга жуда яқин ҳам, улардан жуда узоқ ҳам бўлма: жуда яқин бўлсанг — улар сени нобуд қиладилар; жуда узоқ бўлсанг — улар сен учун бефойда бўладилар.*
- *Бошқаларга боғлиқ ишлардан нарироқ бўл; ўзингга боғлиқ нарсаларгагина интил.*
- *Ланжлик, хотинбозлик, касалмандлик, она юртидан кўнгил узиб кета олмаслик, ҳаётдан мамнунлик,қўрқоқлик — мана улуғворликка томон йўлдаги олтита тўсиқ.*
- *Билим таълимга боғлиқ, иззат — ишларга, фаровонлик — ғайратга, мукофот — тақдирга.*
- *Бойликка эгалик қилишда иккита хатога йўл қўйилиши мумкин: нолойиққа бериш ва лойиққа бермаслик.*
- *Энг яхшиси — меҳнатинг билан топилган пул, ёмони — меросдан, янада ёмони — ининг-дан, энг ёмони — аёл кишидан топилгани.*
- *Соғликка тенг дўст йўқ; хасталикка тенг душман йўқ.*
- *Пишган мевага, ерга тушишдан ўзга, ҳеч нима хавф-хатар солмайди; ёруғ дунёга келганга, ўлимдан бошқа, ҳеч нима хавф-хатар солмайди.*
- *Вақт ҳеч кимни севмайди ва ҳеч кимдан нафратланмайди, вақт ҳеч кимга бефарқ эмас — у барчани олиб кетади.*
- *Доно одам на марҳумлар, на тириклар устидан кўз ёши тўкмайди.*

Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси

**Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрь сонидан бошлаб берилмоқда.*

ТАРЖИМОНДАН:

*Азиз ўқувчи! Газетанинг 2001 йил 27 октябрь сонидан бошлаб, **«Сержило тафаккур дурдоналаридан»** номли рукн остида, қадим замонлардан то XX асргача бўлган давр оралиғида, хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатларида, яшаган қатор донишмандлар, мутафаккирлар, ҳаворийлар, илоҳиётчилар, файласуфлар, олимлар, ёзувчилар, шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари, бошқа маълум-машҳур сиймолар томонидан битилган, шу билан бирга, энг кўҳна ўтмиш адабий ёдгорликларида акс этган ҳамда инсоният маънавий тарихи талабчан синовларидан ўтиб, бизларгача етиб келган, фалсафий ҳикматли иборалар, чуқур ҳаётий кузатувлар натижалари, ўткир фикр-мулоҳазалар намуналарининг рус тилидан, турли манбалар негизида, қилинган таржималарини ўқувчилар эътиборига етказишга ҳаракат қилдик.*

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзлари ушбу ишни амалга оширишимиз учун дастуриламал бўлди: «Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сократ ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?

*...Албатта, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканини тушунамиз. **Шу боис ҳақиқатни топиш учун қарама-қарши фикрларни ўртага ташлайлик.** Талабалар, зиёли ёшларимизнинг ўзи керакли хулосани чиқариб олсин.»*

Газета саҳифаларидан ўрин олган фалсафий ҳикматлар ва мухтасар фикр-мулоҳазалар мазкур соҳага оид мерос уммонидан, балки, бир томчи ҳам эмасдир. Бироқ, ўйлаймизки, улар, мабодо, маънавий юксалиш масалаларига устуворлик аҳамиятини бераётган мустақил Ватанимиз аҳли диққат-эътиборини ўзларига жалб этсалар, шунингдек, «бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил» деганларидай, хусусан, ёш авлодда мустақил танқидий тафаккур қилиш қобилиятини ўстиришга ёрдам берсалар, ажаб эмас.

Шу тарздаги ишни, у, агар, муҳтарам ўқувчиларни бундан кейин ҳам қизиқтирса, унда, эҳтиёжга қараб ҳамда фурсати келганда, давом эттириш мумкин.

BANK XALQ BANKI

Муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

жисмоний ва юридик шахсларга **«СВИФТ»** халқаро тўлов тизими орқали пул маблағларини жаҳоннинг исталган нуқтасига зудлик билан етказиб бериш ва қабул қилиб олиш хизматини таклиф этади.

Барча турдаги пул ўтказмалари энг арзон тариф асосида амалга оширилади.

Сиз пул ўтказмаларингизни Халқ банкининг барча бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

ХАЛҚ БАНКИ

Шунингдек, мижозларга янги **«НАВРЎЗ СОВҒАСИ»** — қисқа муддатли, ютуқли омонат турини таклиф этади.

Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга, камида 3000 (уч минг) сўм қабул қилиниб, йиллик 30% миқдорида даромад тўланади.

Сиз омонатингизга ҳисобланган фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда 1 000 000 сўм ютуқ совриндори бўлиш имкониятига эгасиз.

«Наврўз совғаси» омонатига пул маблағлари жорий йилнинг 10 мартига қадар қабул қилиниб, ютуқлар тиражи 2003 йилнинг 19 мартида Фарғона шаҳрида ўтказилади.

Омонатга пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлим ва шахобчалари орқали қабул қилинади.

Халқ банки — Сизнинг оилангиз банки!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аудиторлик фирмалари диққатига!

Республика Кўчмас мулк биржаси 2002 йил фаолиятини аудиторлик текширувдан ўтказиш учун танлов эълон қилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган Аудиторлик фирмалари эълон чиққан кундан бошлаб республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Танловда қатнашишга аризалар қабул қилиш 2003 йил 20 февраль куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 133-25-21, 136-15-28. Факс: 136-06-17.

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг филиаллари аукциончилари диққатига!

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг филиалларида аукцион савдоларни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган аукциончилар 2003 йил 14 февраль куни соат 11.00 да шаходатдан ўтказилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2003 йил 14, 28 март ва 4, 11 апрель кунлари кимошди савдоларини ўтказади.

Савдоларга қуйидаги объектлар қўйилади:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 1а-уйда жойлашган хўжалик ҳисобидаги «Ўқув-методик маркази» мулки (биносиз) ва айланма активлари.

Бошланғич нархи — 671 800 сўм ёки 966 АҚШ доллари

«SUVQURILISH» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 9-уйда жойлашган Кичик механизация бошқармаси мол-мулки (биносиз).

Бошланғич нархи — 564 000 сўм ёки 1 324 АҚШ доллари

Шунингдек, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, мерос қилиб қолдирадиган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64 м ва Г-38 м кўчаларида жойлашган, сатҳи 0,04 га, ҳар бирининг бошланғич нархи 640 000 сўм бўлган ер участкалари.

Ким ошди савдоларига қўйиладиган ер майдонлари учун аризалар савдодан уч кун аввал, бошқа объектлар учун савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16А.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30

BS BURSEL GROUP жамоаси

Ўзбекистон аҳлини ва барча мусулмонларни ҚУРБОН ҲАЙИТИ байрами муносабати билан самимий қутлайди.

Мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан янада равнақ топишини тилайди.

Мана шундай саодатли, фараҳли кунда қилган барча ибодатларингизни Аллоҳ Таоло ўз даргоҳида қабул айласин. Муборак ҳайит кунларида юртга маъмурчилик ва равнақ тилаймиз. Ҳар бир хонадондан файзу барака аримасин.

ЎЗБЕК ВА ТУРК ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК АСРЛАР ОША МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРАВЕРСИН!

ИНТЕР-СПОРТ

Мавқеини мустаҳкамлади

Мадриднинг «Реал» футбол жамоаси пешқадамлик мавқеини мустаҳкамлади. Бу жамоа иккинчи ўринга даъвогар бўлиб турган «Реал Сосьедад» футболчиларини мағлубиятга учратди. Шунингдек, «Реал» жамоаси ўзининг таниқли футболчилари Фигу, Роберто Карлос ва Зидан кўмагида «Бетис» клубини ҳам йирик ҳисобда доғда қолдирди.

Учрашув кечиктирилмоқда

Жаҳон чемпиони номини олишга даъвогар бўлиб турган Виталий Кличко қийин аҳволда турибди. Гап шундаки, бу боксчи билан Леннокс Льюис ўртасида 9 ёки 12 апрелга мўлжалланган учрашув маълум сабабларга кўра кечиктирилмоқда. Бундан ранжиган Кличко бутунжаҳон бокс ташкилоти раҳбарларига очиқ баёнот эълон қилди. Унинг бирдан-бир нияти Леннокс Льюис билан ўз муддатида жанг қилишдан иборат. Британиялик адвокат эса бу учрашувнинг кечиктирилишига сабаб, Льюис билан Майк Тайсон ўртасида ўтказиладиган матч-реваншнинг амалга оширилиши, демоқда. Ҳар қалай Виталий — Льюис ўртасидаги учрашув ёзда — июнь ойи бошларида ўтказилиши мумкин. «Леннокс мендан ҳайиқаяпти деган фикрдан йироқман, — дейди Виталий Кличко, — боиси, мен уни яхши биламан. У мўлжалланган ҳар қандай жангдан ҳеч кечмаган. Аммо, ҳозирги ноқулай ҳолатни жаҳон бокс ташкилоти уюштирмоқда, десак ўринли бўлади». Гап шундаки, агар Леннокс кўзда тутилган жангдан кечса, Виталий рейтинг жиҳатдан иккинчи бўлиб турган Эвандер Холлифилд билан рингга тушишига тўғри келади.

Республика Касаба уюшмалари федерацияси МК жамоаси Кимё тармоқлари марказий қўмитасининг собиқ раиси Неъматилла Қосимовга онаси **Зуҳра НАБИЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 066

16275 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 23.30

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA